

Фикҳ дарслари (60-дарс). Академиянинг асосий ҳайъати



18:05 / 21.11.2019 4974

Устоз Доктор Ҳусайн Ҳомид Ҳассон – академия раиси;

Устоз Доктор Али Солус – академиянинг аввалги раиси;

Устоз Доктор Ваҳба Зухайлий – академия раисининг 2-ноиб;

Устоз Доктор Салоҳ Совий – академиянинг бош котиби.

Аммо академиянинг доимий аъзолари кунлик ҳолатларни ҳисобга олиб, академиянинг таъсис йиғинини ўтказадилар. У беш аъзодан кам бўлмаслиги керак. Албатта, фатво чиқариш кўпчиликнинг овози билан амалга оширилади.

У қуйидаги олимлардан ташкил топган.

- Доктор Салоҳ Совий - Азҳар, Уммулқуро дорилфунуни устози, Вашингтондаги Араб ва исломий илмлар институтининг собиқ устози ҳамда «Америка очиқ университети»нинг раис ўринбосари.
- Доктор Иброҳим Кулайб - Виржинадаги Исломий ва Арабий илмлар институтининг ҳадис илми устози.
- Доктор Ҳусайн Шаввот - «Америка очиқ университети»нинг ҳадис илми устози.
- Доктор Юсуф Шубайлий - Виржинадаги Исломий ва Арабий илмлар институтининг фикҳ устози.
- Доктор Фуад Ғунайм - Виржинадаги Исломий ва Арабий илмлар институтининг исломий тадқиқотлар қисми раиси.
- Доктор Холид Билонканшиб - Филадельфиядаги Тумбел университетининг исломий тадқиқотлар қисми раиси.
- Доктор Аҳмад Шулайбик - Жоржия штатидаги Жаннат номли масжид имоми ва Виржинадаги «Америка очиқ университети»нинг исломий фикҳ устози.
- Доктор Аҳмад Суҳайб Ҳасан - Британиядаги Қуръони Карим жамияти раиси ҳамда исломий шариат йиғини котиби.

Доимий фатво ҳайъатининг маслаҳатчилари:

- Устоз Доктор Ҳусайн Ҳомид Ҳассон - Исломободдаги Бутун дунё исломий университетининг раиси ва шаръий тафтиш комиссияси қошидаги тўртта исломий банк раиси.
- Устоз Доктор Али Аҳмад Солус - Қатардаги шариат факультетида фикҳ ва усул фанидан устоз ва Ислом конференцияси ташкилотига қарашли фикҳий академиянинг фикҳ ва иқтисод мутахассиси.
- Устоз Доктор Абдуллоҳ Муслиҳ - Риёздаги имом Муҳаммад ибн Сауд университетининг фикҳ устози ва Саудиядаги тижорат билан шуғулланувчи «Аҳлий банк»нинг шаръий тафтиш ҳайъати аъзоси.
- Устоз Доктор Аҳмад Али Тоҳа Раййон - Азҳар университетидеги шариат ва қонун факультетининг собиқ мудир ва фикҳнинг қиёсий солиштирув

қисми раиси ҳамда вақф ишлари бўйича вазирлик қошидаги Исломий Фикҳ Қомусининг раиси.

- Устоз Доктор Ваҳба Мустафо Зухайлий. Дамашқдаги университетнинг олий ўқув қисмида устоз, Робитатил Оламий Исломий қошидаги фикҳий академия ҳамда Ислом Конференцияси Ташкилоти қошидаги фикҳий академия аъзоси.

- Устоз Доктор Муҳаммад Раъфат Усмон - Фикҳнинг солиштирув соҳасида устоз, Азҳар университетининг шариат ва қонун факультетининг собиқ мудир.

- Устоз Доктор Умар Ашқар - Иорданиядаги университетнинг шариат факультетининг фикҳ ва ақийда устози.

- Ҳуффоз Сано Маданий - Лоҳурнинг исломий университетидаги ҳадис устози ҳамда Лоҳурдаги «Ансорус-сунна» марказининг фатво ҳайъати раиси.

- Устоз Доктор Ужайл Нашмий - Қувайт университетининг шариат факультети собиқ мудир.

«Фикҳий йўналишлар ва китоблар» китобидан